



Ҳикматулло ДЎСМАТОВ
Фарғона давлат университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси
ўқитувчиси
dusmatov1984@inbox.ru

ТИЛ ЎҚИТИШДА АСКИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛИНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Мақолада ўзбек миллий сўз санъати ҳисобланган аскиянинг ўзига хос жиҳатлари, унинг ўрганилиши ва халқаро миқёсда эътироф этилиши ҳақида фикр юритилади, ўзбекона сўз ўйинлари лингвистик муаммо сифатида ўрганилади. Сўз ўйинларини миллий сўз санъатимиз ҳисобланган аския матни доирасида тадқиқ этишнинг долзарблиги таҳлил этилади.

В статье речь идёт об особенностях, изучении и международном признании аския, которая считается узбекским национальным словесным искусством. В статье рассматривается игра слов узбекского языка в качестве лингвистической проблемы. Раскрыты своеобразные лингвостилистические особенности аския, исследованные в рамках текста аския, являющейся игрой слов узбекского национального искусства.

The article touches upon such phenomenon as askiya, the individual features of askiya, its aspects and international confession of Uzbek national art of wit. This article is devoted to the research of Uzbek plays on words as a linguistic matter. Wordplays are investigated in the range of askiya what is considered as our national art on words and lingua-stylistic properties of askiya are studied.

Калит сўзлар: аския, ЮНЕСКО, номоддий маданий мерос, сўз ўйини, миллий жанр.

Ключевые слова: аския, ЮНЕСКО, нематериальное культурное наследие, игра слов, национальный жанр.

Key words: askiya, UNESCO, the art of wit, game of words, national genre.

Бирор тилни ўқитишда, ўқув машғулотлари жараёнида, инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида халқаро миқёсда тан олинган (2014 йил 27 ноябрь куни ЮНЕСКО бош қароргоҳида ўтказилган Номоддий маданий мерос кўмитасининг IX сессиясида аския ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган) **ўзбек миллий сўз санъати** – аския, сўз ўйини, мутойибадан ўринли ва унумли фойдаланиш тингловчиларга эстетик завқ бериш билан бирга, уларнинг қизиқиши ва диққатини янада оширади.

«Аския» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да белгиланганидек, «зийрак, ақлли, зехнли, қобилиятли» маъноларини ифодаловчи *закий* сўзининг кўплик шакли (азкиё)дир. *Азкиё* сўзи эса даврлар ўтиши билан фонетик жиҳатдан ўзгариб, *аския* кўринишига келган. Ўз асл маъносини (*зийраklar, закийлар*) мумтоз адабиётимизда сақлаган ҳолда, ҳозирги ўзбек тилида миллий оғзаки ижод жанри номи сифатида қўлланмоқда: Аския – ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри бўлиб, унда сўз ўйинига, қочирикларга асосланган ҳолда икки ёки ундан ортиқ киши ёки тарафлар мусобақалашади. Аския, одатда, тўй-томоша, сайл, зиёфат каби йиғинларда ўтказилади[1, 106].

Аския сўз ўйинига асосланган *ҳозиржавоблик* ва *зийраклик* мусобақасидир. Айти шу хусусияти билан ушбу сўз санъати кишиларга кулги бағишлайди. Шу боис ўқув машғулотларида аския элементларидан фойдаланиш, тайёр аскиялардан намуна келтириш ёки аудитория билан бевосита мулоқотда сўз ўйинидан маҳорат билан фойдаланиш ўқитувчи нутқининг таъсирчанлигини оширади. Масалан, бирор-бир топширикни бажармаган талабани ҳақоратлашдан кўра ҳазил-мутойибадан қуйидагича тарзда фойдаланиш ҳам мумкин:

Ўқитувчи: Хўжаев, ё юкни эшшакнинг олдига олиб бориш керак ёки эшшакни юкнинг олдига. Айтинг-чи, Сизга қайси бири маъқул?

Талаба: Эшшакни юкнинг олдига олиб келганимиз.

Ўқитувчи: Мустақил таълимни олгани сизнинг олдиғизга мен борайми ё сиз келасизми?

Ушбу вазиятда талаба, табиийки, “*мен бораман*” дейди. Натижада нутқий вазиятдан жумланнинг тағмаъноси, яъни прагматик мазмуни (*эшакка тенглаштириши*) юзага чиқади. Бу вазиятда ўқитувчи ундош товушни қаватлантириш (геминация) билан ҳам нутқнинг таъсирчанлигини оширса бўлади: худди юкорида келтирилган “*эшак*” сўзидаги **ш** товушини қаватлантириш каби. Бундай мисолни А.Қаҳҳор ижодидан келтиришимиз мумкин:

Қаландаров Саидани колхоздан кетказиш мақсадида унга «Ариза ёзинг» деб айтганда, Саида рози бўлмайди. Шунда Қаландаров ғижиниб:

– Колхоз ёқиб қолган бўлса, эр-пер топиб бера қолай, – деди. Саида эса унинг афтига қараб:

– Мен сизни фақат яхши пахтакор, деб билар эдим, бошқа кас(с)бингиз ҳам бор экан, – дейди кесатиб (А. Қаҳҳор).

Сўз ўйини, мутойиба кенг қамровли ҳодиса бўлиб, *ироник мазмун, кесатиқ, масхара* унинг бир кўриниши ҳисобланади:

Афанди бир куни гаплашиб ўлтириб, аъламни “*сиз аҳмоқ одамсиз*” деб кўйди. Аълам уни подшонинг олдига судради. Подшо Афандига бир қанча пўписа, сиёсатлар қилгандан кейин:

– *Дарров узр айт, сиз аҳмоқ одам эмассиз, кечирасиз де-чи, йўқса ҳозир жаллод чақираман!* – деди.

Афанди аъламга қараб деди:

– *Сиз – аҳмоқ, одам эмассиз! Кечирасиз!..*

Сўзловчи ўз мақсади йўлида пауза ва талаффуздан унумли фойдаланиши ёки уни, юқоридаги каби, “хужум қуроли” сифатида ҳам истифода этиши мумкин. Натижада нутқий омонимия, матн омонимияси – **амфиболия** сўз ўйинининг прагматик омилига айланади. Амфиболия термини луғатларда (юнонча *amphibolia* – икки томонламалик, икки маънолилик) “икки турли хил талқин ва шарҳга эга бўлган ҳолда ифоданинг ноаниқлиги” тарзида изоҳланади.

Мазкур ҳодиса ҳақида Аристотел ҳам ўзининг “Риторика” рисоласида махсус тўхталган: “Услугбинг аниқ ва равшанлиги риторикада ўта муҳимдир. Агар нутқ тушунарсиз бўлса, у ўз вазифасини бажармаган бўлади. Лекин шуни ҳам назарда тутиш зарурки, баъзан икки маъноли ифодалар мақсадли тарзда ишлатилиши мумкин. Айниқса, бундай ифодалар софистлар учун қўл келади”[2, с. 114].

Масалан, *Ўлим йўқ шафқат* жумласининг мазмунини икки хил талқин қилиш мумкин: биринчиси, *ўлим, шафқат қилинмасин*; иккинчиси, *ўлим йўқ, шафқат қилинсин*. Ёки *Сиз аҳмоқ одам эмассиз* жумласининг мазмунини ҳам турлича талқин қилиш мумкин: биринчиси, *сиз аҳмоқ одам эмассиз*; иккинчиси, *сиз – аҳмоқ, одам эмассиз*. Булар амфиболиянинг содда кўриниши. Бундай ифодалар тилимизда кўп учрайди. Демак, амфиболия (матн омонимияси, матн мазмунининг ҳар хиллиги), бир томондан, нутқнинг камчилиги, коммуникацияга тўсиқ бўлувчи нуқсон сифатида баҳоланса, бошқа томондан, у нотикнинг маҳоратини кўрсатувчи риторик усул ҳамда сўзловчининг коммуникатив ниятини юзага чиқаришнинг прагматик омили ҳисобланади[3, 87-бет].

Аслида, моҳиятан олиб қарлганда, амфиболия турли хил услубдаги ва жанрдаги матнлар учун хос мунтазам кузатиладиган ҳодиса саналади. Амфиболиянинг тил учун аҳамиятсиз ҳодиса эмаслигини лисоний белги учун хос асимметрик дуализм (мазмуннинг чексизлиги ва уни ифодаловчи лисоний воситаларнинг чекланганлиги ўртасидаги қарама-қаршилик) билан асослаш мумкин[3, 87].

Ишора, пресуппозиция ҳам тил ўқитиш самарадорлигини оширувчи воситалардан бири ҳисобланиб, у услубий восита сифатида коммуникатив

ниятнинг қизиқарли баёнини таъминлайди ҳамда мулоқотнинг таъсир эффектини янада оширади. Масалан:

Мамаюнус: Қори ака, минган отингиз осов ёки қоракашми, биронта кўприкдан ҳам туртинмай ўтолмайди-я?

Эрка қори: Э ука, Мамаюнус, арғумоқлардек гижинглаб ўтар эди-ю, доим сиз кўприк тагида туриб, шумлик қилиб қўрқитасиз-да!.. [4, 112].

Ушбу матнда латифабанд қочирим (халқ орасида мақолга ишора қилувчи қочиримлар ҳам, кўпинча, латифабанд номи билан юритилади) билан охирги жумлада «*калларнинг ҳеч қандай иш билмайдиган соддаси кўприк тагида туриб от ҳуркитади*» деган мақолга ишора қилинмоқда.

“– Ҳамма ёқ машиналашиб кетган бўлса ҳам, “сахро кемаси”дан тушмай юра берар экансиз-да!

– Тоққа чиқиш-тушиш вақтида узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилар, деган умидимиз бор-да!

– Бу кишига баланд-пастликни рўпара қилманг, “уччаласининг ҳам бети курсин!” деб биздан хафа бўлиб юрмасин яна.

– Бу киши билан бозор-ўчарга кириб юрманг, “ажратиб сотилмас экан” деб одамлар гумонсирашмасинлар яна” [4, 112-бет].

Бу “ҳайвонот пайрови”дан келтирилган мисолнинг иккинчи диалогда “*Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди*” мақолига ишора қилинган бўлса, учинчи диалогда латифабанд қочирим бор. У латифанинг мазмуни шундай:

“– Сенга баландга чиқиш яхшими ёки пастга тушиш яхшими? – деб сўрадилар бир куни туядан.

– Уччаласининг ҳам бети курсин! – деб жавоб берди.

– Сендан икки нарсани сўрадик, сени хафа қиладиган учинчи нарса нима? Сўрадилар яна.

– Лой билан ботқоқ, – жавоб берди туя”.

Хуллас, тил – «ўз қоидаларига эга бўлган ўйин» (Л.Витгенштейн) экан, ўқув машғулотларини сўз ўйинидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, аудитория билан мулоқотда аския, мутойиба элементларидан ўрни билан фойдаланиш сўзловчи нутқининг таъсир кучини оширади ҳамда унинг қизиқарли ифодасини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 106 б.
2. Аристотел. Риторика. Поэтика. – М., 2000. –114 с.
3. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. Т.: Академнашр, 2013. 87 б.
4. Насриддин Афанди латифалари. –Тошкент: Ўзадабий нашр, 1960. 112 б.